

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ХИСОБНИ АЙРИМ МАСАЛЛАРИ. SOME EXAMPLES OF INTELLECTUAL PROPERTY ACCOUNTING.

*Pulatov Khudoiberdi Uktamovich is an independent researcher  
Abdurasulov Jurabek Abdukhalilovich master*

*Пўлатов Худойберди Ўктамович мустақил тадқиқотчи  
Абдурасулов Журабек Абдухалилович магистрант*

**Abstract:** In the article you can see some examples of intellectual property accounting and specific features of intellectual property. You can see intellectual property in the example of enterprises

**Keywords:** intellectual property, intangible assets, research, development, depreciation.

**Аннотация:** В статье представлены некоторые примеры учета интеллектуальной собственности и особенности учета интеллектуальной собственности. Вы можете увидеть интеллектуальную собственность на примере предприятий

**Ключевые слова:** интеллектуальная собственность, нематериальные активы, исследования, разработки, амортизация.

**Аннотация:** Мақолада интеллектуал мулк объектлари ҳисобни айрим масаллари ва интеллектуал мулкнинг ўзига хос белгилари кўришингиз мумкин. Интеллектуал мулкни корхоналар мисолида кўришингиз мумкин

**Калит сўзлар:** интеллектуал мулк объектлари, номоддий активлар, илмий-тадқиқот ишлари, тажриба-конструкторлик ишлари, амортизация.

Жаҳон мамлакатларининг глобаллашуви жараёнида Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларни кучайтириш, уларни янги, янада юқори босқичга кўтариш устувор вазифа қилиб белгиланган. Бу вазифаларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш провардида Ватанимиз тараққиётини янада юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган бўлиб, бунда хал қилувчи омил сифатида интеллектуал мулк муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунга келиб, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса, бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар.

Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш мамлакатимизнинг жаҳон интеграциясидаги асосий омил эканлигидан келиб чиқиб, интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича "Ҳаракатлар стратегиясида" белгиланган вазифаларни изчил амалга оирлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 28.01.2021 йилдаги ПҚ-4965-сон да келтириб ўтилган.

Моҳиятига кўра Интеллектуал мулк объектлари қаторига жисмоний шаклга эга бўлмаган, лекин корхона фаолиятида унинг бошқа активлари қаторида қатнашиб даромад келтирувчи маблағлар киритилади.

Интеллектуал мулкнинг ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат: буюмлашган кўринишга эга эмаслиги; узоқ вақт давомида ишлатилиши; корхонага фойда келтириши; уларни ишлатишдан олинishi мумкин бўлган фойда ҳажмининг нисбатан юқори даражадаги ноаниқлиги.

Интеллектуал мулкнинг моҳиятига кўра хусусиятларини кўриб чиқамиз: саноат интеллектуал мулк объектларига кашфиёт ҳуқуқи, саноат намуналари, товар белгилари, савдо маркалари, хизмат кўрсатиш белгилари киради. Кашфиёт ҳуқуқи кашфиёт эгасига қарор қабул қилиш учун махсус берилган ҳуқуқдир. Кашфиётларни муҳофаза қилишнинг энг кўп тарқалган тизими уларни патентлашдир.

**Патент** - бу юридик жиҳатдан тан олинган ва рўйхатга олинган мулк ҳуқуқдир.

**Савдо маркалари** - компанияларга, маҳсулот ёки хизматларга оид берилган номлар, рамзлар ёки бошқа хил (аниқлаб берувчи) идентификациялар. Улар эгалик қилишни асослаш учун рўйхатга олинishi, рўйхатга олинганлари эса - уларнинг фаолият муддатларини маълум бир даврга узайтириш асосида янгиланиб бориши мумкин

**Товар белгилари** бирорта корхона товар (хизмат)ларини бошқа корхоналар товарлари ёки хизматларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган белгилардир.

Маълумки интеллектуал мулк объектлари бухгалтерия ҳисобининг узоқ муддатли активлари, яъни номоддий активлар сифатида тан олинади. Номоддий активлар - ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ва товарларни сотиш жараёнида фойдаланиладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлар бўлиб, қуйидагилардан ташкил топади:

биринчидан, *интеллектуал мулк объектлари (Intellectual Property)*;

иккинчидан, *ташкилий харажатлар (organization costs)*;

учинчидан, *гудвилл (goodwill)*.

Интеллектуал мулк объектларининг дастлабки қиймати шаклланишида бухгалтерия бошланғич ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этади. Бунда интеллектуал мулк объектларини тасдиқловчи ҳужжатлар: патент, лицензиялар, гувоҳномалар, мулкый ҳуқуқларни корхонанинг устав сармояларига ўтказиш ҳақидаги таъсис ҳужжатлари, корхона ва интеллектуал мулк объектларининг ишлаб чиқувчилари ўртасидаги шартномалар ёки муаллифлик шартномалари, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар бепул топширилишида қабул қилиш-топшириш далолатномалари бўлиши мумкин.

1-жадвал

**“UNLIMITED IDEAS” МЧЖнинг бухгалтерия баланси (минг/сўм).**

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Йил бошига	Йил охирига
1	2	3	4

<b>АКТИВ</b>			
Номоддий активлар: Бошланғич қиймати (0400)	020	32 273	39 374
Амортизация суммаси (0500)	021	14 662	20 995
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр 020-021)	022	17 611	18 379
1-бўлим бўйича жами (сатр 012+022+030+090+100+110+120)	130	85 590 241	61 414 140
Баланс активи бўйича жами (сатр 130+390)	400	250 278 679	256 878 752

Интеллектуал мулк объектнинг балансга олиниши тартибини қуйидаги мисол орқали кўриб чиқамиз. Масалан, “Unlimited Ideas” мчжнинг 2021 йил 1 январ ҳолатига бўлган молиявий ҳисоботларида 31600,0 минг сўм қийматига тенг бўлган интеллектуал мулк объект (номоддий актив) мавжуд. Ушбу объект дастурий таъминот кўринишига эга. Бу “Unlimited Ideas” компанияси билан “Инновация ва информатизациялаш бўйича тармоқлараро стратегик Марказ” ўртасида тузилган шартномасига мувофиқ ишлаб чиқилган эди.

Умуман, интеллектуал мулк объектлари ҳисоби бўйича асосий муаммолар сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

**биринчидан**, бухгалтерия ҳисобининг объекти сифатида интеллектуал мулк объектларнинг туркумланиши;

**иккинчидан**, интеллектуал мулк объектларининг келиб тушишини ҳисобга олишда дастлабки ҳужжатлаштириш;

**учинчидан**, интеллектуал мулк объектларининг бошланғич қийматини шакллантириш;

**тўртинчидан**, интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ солиқ тўловлари;

**бешинчидан**, интеллектуал мулклардан фойдаланишда уларга амортизация (ҳисоблаш)ни татбиқ этиш;

**олтинчидан**, молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида интеллектуал мулкларни ҳисоботларда акс эттириш ва ҳоказо.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Shirinov, U. (2020). ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY: SIGNIFICANCE AND ADVANTAGES. *International Finance and Accounting*, 2020(3), 23.
2. Shirinov, U. (2017). The ways of accounting over telephone communication services in the existence of billing systems. *TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR)*, 6(2and3), 23-31.
3. Abduxalilovich, S. U., & Azamat o'g'li, B. A. (2021, March). IMPROVEMENT OF ACCOUNTING OF INCOME FROM COMMUNICATION SERVICES. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 3, No. 1, pp. 108-111).

4. Ширинов, У. А. (2019). ТЕЛЕФОН ХИЗМАТЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Интернаука*, (2-2), 83-85.
5. Ширинов, У. А. (2019). УЧЕТ РАСХОДОВ В СУБЪЕКТАХ ОКАЗЫВАЮЩИХ УСЛУГИ ТЕЛЕРАДИО. *Интернаука*, (5-2), 19-21.
6. Shirinov, U. A. (2018). TELERADIO XIZMATLARINI KO 'RSATUVCHI SUB'EKTLARDA HARAJATLAR HISOBI. *Turizm ilmiy-amaliy elektron jurnali*, 1(1), 96-100.
7. Ширинов, У. А. (2021). IMPROVING INCOME ACCOUNTING IN COMMUNICATION ENTERPRISES. *Мировая наука*, (7), 93-97.
8. Ширинов, У. А. (2021). CONCEPTUAL ISSUES OF SEGMENTARY AUDIT IN COMMUNICATION ENTERPRISES. *Экономика и социум*, (7), 554-558.
9. Ширинов, У. А. (2021). AUDITORY ANALYSIS OF COMMUNICATION ENTERPRISES SEGMENTS. *Экономика и социум*, (7), 550-553.